



ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

БУЙРУҚ

Тошкент шаҳри

"30" 09 2020й № 518

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2020 йил 19 сентябрдаги "Ўзбекистон ёшлари бузгунчи ғояларга қарши" мавзусида ўтказиладиган "Энг яхши видеоролик", "Энг яхши инфографика" номинациялари бўйича масофавий республика танловларини ўтказиш тўғрисида"ги 489-сон буйруғи ижросини таъминлаш ҳақида

Олий ва ўрта махсус таълим вазири томонидан 2020 йил 17 январда тасдиқланган "2020 йилда ёшлар ўртасида тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида амалга ошириладиган ишлар юзасидан "Йўл харитаси"нинг 22-бандида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2020 йил 19 сентябрдаги "Ўзбекистон ёшлари бузгунчи ғояларга қарши" мавзусида ўтказиладиган "Энг яхши видеоролик", "Энг яхши инфографика" номинациялари бўйича масофавий республика танловларини ўтказиш тўғрисида"ги 489-сон буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2020 йил 19 сентябрдаги "Ўзбекистон ёшлари бузгунчи ғояларга қарши" мавзусида ўтказиладиган "Энг яхши видеоролик", "Энг яхши инфографика" номинациялари бўйича масофавий республика танловларини ўтказиш тўғрисида" ги 489-сон буйруғи ижро учун қабул қилинсин.

2. Олий ва ўрта махсус таълим вазири томонидан 2020 йил 17 январда тасдиқланган "2020 йилда ёшлар ўртасида тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида амалга ошириладиган ишлар юзасидан "Йўл харитаси"нинг 22-банди ижросини таъминлаш бўйича "Ўзбекистон ёшлари бузгунчи ғояларга қарши" мавзусида ўтказиладиган "Энг яхши видеоролик", "Энг яхши инфографика" номинациялари бўйича масофавий республика танловларини ўтказиш бўйича вазирлик Ташкилий кўмитаси таркиби ва Низоми тасдиқланганлиги инобатга олинсин.

3. Иқтидорли талабаларнинг илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этиш бўлими бошлиғи Г.Халикулова зиммасига:

3.1. Талаба ёшлар ўртасида танловларнинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш ҳамда олий таълим муассасаларининг веб-сайтларида танлов ҳақида материалларни ёритиб бориш;

3.2. “Ўзбекистон ёшлари бузғунчи ғояларга қарши” мавзусида ўтказиладиган “Энг яхши видеоролик”, “Энг яхши инфографика” номинациялари бўйича масофавий республика танловларининг биринчи ва иккинчи босқичини Низом талабларига мувофиқ юқори савияда ўтказиш, танлов ғолибларини рағбатлантириш ҳамда уларнинг ота-оналарига “Ташаккурнома”лар етказиш;

3.3. Танловларнинг иккинчи босқичи ғолибларини ижодий ишларини ўрнатилган тартибда вазирлик ташкилий қўмитасига тақдим этиш вазифаси юклатилсин.

4. Институтнинг ахборот технологиялари маркази бошлиғи Е.Ким зиммасига Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2020 йил 19 сентябрдаги “Ўзбекистон ёшлари бузғунчи ғояларга қарши” мавзусида ўтказиладиган “Энг яхши видеоролик”, “Энг яхши инфографика” номинациялари бўйича масофавий республика танловларини ўтказиш тўғрисида” ги 489-сон буйруғини 1 кун муддатда институт веб-сайтига жойлаштириш вазифаси юклатилсин.

5. Девонхона бўлими бошлиғи Ф.Якубджанова 1 кун муддатда мазкур буйруқни ўрнатилган тартибда тегишли таркибий бўлимларга етказилишини таъминласин.

6. Ушбу буйруқ ижро назоратини ўз зиммамда қолдираман.

Ректор в.в.б.



С.Меҳмонов

Тайёрлади:

Иқтидорли талабаларнинг илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этиш бўлими бошлиғи



Г. Халикулова

Келишилди:

Катта юрисконсулт



Т.Алиев